Rector of Samarkand State Medical University

**AKHMEDOVA Sayyora Mukhamadovna**

DSc, Professor

Head of the Department of Human Anatomy and OHTA, Tashkent State Medical University


**ABSALAMOVA Nigora Fakhriddinovna**

PhD., Associate Professor

Department of Dentistry Alfraganus University

**IMPROVEMENT OF TREATMENT STRATEGIES FOR ORAL MUCOSAL  
LEUKOPLAKIA BASED ON IMMUNOHISTOCHEMICAL RESULTS**

**For citation:** Rizaev Jasur Alimjanovich, Akhmedova Sayyora Mukhamadovna, Absalamova Nigora Fakhriddinovna. IMPROVING DENTAL CARE IN UZBEKISTAN USING A CONCEPTUAL APPROACH TO IMPROVE ITS QUALITY // Journal of Biomedicine and Practice. 2026, vol. 11, issue 1.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18519864>

**ANNOTATION**

Leukoplakia is a condition that occurs on the oral mucosa and can lead to atypical cellular changes, which may result in the development of a number of serious diseases. This study investigates the clinical manifestations and morphological characteristics of the disease, as well as their correlation, with the aim of developing effective methods for early and timely diagnosis. From this perspective, the immunohistochemical approach applied in the study represents a modern, scientifically grounded, and practice-oriented method for predicting malignant transformation in oral leukoplakia.

**Keywords:** leukoplakia, flat, verrucous, erosive, morphological, immunohistochemical.

**РИЗАЕВ Жасур Алимжанович**

Д.м.н., профессор

Ректор Самаркандского государственного медицинского университета

**АХМЕДОВА Сайёра Мухамадовна**

Д.м.н., профессор

Ташкентского государственного медицинского университета

**АБСАЛАМОВА Нигора Фахриддиновна**

PhD., Доцент

Доцент кафедры стоматологии университета Alfraganus

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ ЛЕЙКОПЛАКИИ  
СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ ПОЛОСТИ РТА НА ОСНОВЕ  
ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКИХ РЕЗУЛЬТАТОВ**

**АННОТАЦИЯ**

Лейкоплакия является состоянием, встречающимся на слизистой оболочке полости рта и способным приводить к атипическим изменениям клеток, что может стать причиной развития ряда серьёзных заболеваний. В данном исследовании проводится изучение клинических проявлений и морфологических особенностей заболевания, а также их сопоставление с целью разработки эффективных методов ранней и своевременной диагностики. С этой точки зрения применённый в исследовании иммуногистохимический подход является современным, научно обоснованным и ориентированным на практическое применение методом прогнозирования злокачественной трансформации при лейкоплакии полости рта.

**Ключевые слова:** лейкоплакия, плоская, веррукозная, эрозивная, морфологические, иммуногистохимические.

**РИЗАЕВ Жасур Алимжанович**

Д.м.н., профессор

Самарқанд Давлат тиббиёт университети ректори

**АХМЕДОВА Сайёра Мухамадовна**

Д.м.н., профессор

Тошкент Давлат тиббиёт университети

**АБСАЛАМОВА Нигора Фахридиновна**

PhD., Доцент

Alfraganus University Стоматология кафедраси

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИДАГИ ЛЕЙКОПЛАКИЯНИНГ  
ИММУНОГИСТОХИМИК НАТИЖАЛАРИГА АСОСАН ДАВОЛАШ  
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**АННОТАЦИЯ**

Лейкоплакия оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида учрайдиган ва хужайраларнинг атипик ўзгаришларига олиб келадиган ҳолат сифатида бир қатор жиддий касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу тадқиқотда касалликнинг клиник белгилари ва морфологик хусусиятларини ўрганиш, уларни бир-бири билан солиштириш орқали самарали ва эрта диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилади. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадқиқотда қўлланилган иммуногистохимик ёндашув оғиз бўшлиғи лейкоплакиясида хавфли трансформацияни прогноз қилишнинг замонавий, илмий асосланган ва амалиётга йўналтирилган усули ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** лейкоплакия, ясси, веррукоз, эрозив, морфологик, иммуногистохимик.

**Кириш.** Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати лейкоплакияси ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб стоматологик ва онкологик амалиётда жиддий муаммо сифатида қаралмоқда (Warnakulasuriya et al., 2007; WHO, 2005; Neville et al., 2016). Касалликнинг клиник жиҳатдан яширин кечиши ва айрим ҳолларда плоскоклеткалик раққа трансформацияланиши уни эрта ташхислашнинг аҳамиятини оширади. Сўнгги йилларда кўплаб тадқиқотчилар (Syrjänen S., 2018; Klaes R., 2001; Doorbar J., 2012) HPV-инфекция, p16INK4a ва Ki-67 экспрессияси ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадқиқотда қўлланилган иммуногистохимик ёндашув оғиз бўшлиғи лейкоплакиясида хавфли трансформацияни прогноз қилишнинг замонавий, илмий асосланган ва амалиётга йўналтирилган усули ҳисобланади.

Лейкоплакия оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида учрайдиган ва хужайраларнинг атипик ўзгаришларига олиб келадиган ҳолат сифатида бир қатор жиддий касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу тадқиқотда касалликнинг клиник белгилари ва морфологик хусусиятларини ўрганиш, уларни бир-бири билан солиштириш орқали самарали ва эрта диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, тадқиқот

лейкоплакиянинг турли босқичларига кўра даволашнинг турли методларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш орқали даволаш жараёнини яхшилашга йўналтирилган.

**Тадқиқот мақсади.** Иммуногистокимевий усул натижалари орқали лейкоплакиянинг хавфли ўсмаларга айланишини олдини олиш ҳамда даволаш тактикасини оптималлаштириш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети стоматология клиникасида ўтказилди. Асосий гуруҳга оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида клиник ва гистологик жиҳатдан тасдиқланган лейкоплакия ҳолатлари билан 68 нафар бемор киритилди. Назорат гуруҳини эса оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида ҳеч қандай патологик ўзгаришлари аниқланмаган, стоматологик ва соматик касалликлардан холи бўлган 16 нафар клиник соғлом шахс ташкил қилди.

Тадқиқотда иммуногистокимевий таҳлил стандарт методика асосида амалга оширилди. Биопсия ва операция материаллари 10% ли забуференланган формалин эритмасида (рН 7,4) фиксация қилинди. Кейинчалик материаллар гистологик процессор орқали ўтказилиб, +54°C эриш ҳароратига эга парафинга куйилди. Парафин блокларидан 5 мкм қалинликдаги гистологик кесмалар олиниб, поли-L-лизин билан қопланган предмет ойначаларига жойлаштирилди.

Эндоген пероксидаза фаоллигини блоклаш мақсадида кесмалар 3% ли водород пероксид эритмасида 10 дақиқа давомида инкубация қилинди. Шунингдек, носпецифик боғланишларни камайтириш учун стандарт блоклаш протседуралари қўлланилди.

Иммуногистокимевий реакцияда бирламчи антитело сифатида инсон папиллома вируси 16-типига қарши поликлонал куйон антителолари (АВБИОТЕС) 1:400 суюлтиришда, р16 маркери учун моноклонал антитело (clon EPR1473, EPITOMICS) 1:200 суюлтиришда ва пролиферация индекси Ki-67 ни аниқлаш учун моноклонал антитело (MM1, Diagnostic Biosystems) 1:100 суюлтиришда қўлланилди. Ҳар бир кесма устига 50 мкл ҳажмда бирламчи антитело томизилиб, 30 дақиқа давомида инкубация қилинди.

Антиген-антитело комплексларини визуализация қилиш биотинсиз, хрен пероксидазасига асосланган детекция тизими (N-Histofine, Япония) ёрдамида амалга оширилди. Реакция натижалари диаминобензидин (DAB) хромогени орқали намоён қилинди, ядролар эса гематоксилин билан қарши бўялди.

Инсон папиллома вируси 16-типи ва р16 маркери экспрессияси сифат жиҳатдан, яъни эпителийнинг турли хужайра зоналари бўйича баҳоланди. Ki-67 пролиферация индекси (ИП Ki-67) эпителийнинг базал, парабазал ва юқори қатламларида аниқланиб, иммунореактив ядролар сонининг умумий ядролар сонига нисбати фоиз ҳисобида ифодаланди.

Олинган иммуногистокимевий маълумотлар морфологик ўзгаришлар билан таққосланиб, лейкоплакиянинг биологик фаоллиги ва хавфли трансформация эҳтимолини баҳолашда қўлланилди.

**Текшириш натижалари.** Олиб борилган клиник кузатувлар натижасида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг лейкоплакияси турли клиник шаклларда намоён бўлиши аниқланди. Текширувга олинган беморлар орасида лейкоплакиянинг ясси (текис) шакли 38 нафар беморда (40,9%) қайд этилди. Лейкоплакиянинг веррукоз шакли 34 нафар беморда (36,6%) аниқланди. Ушбу шакл клиник жиҳатдан гиперкератознинг яққол намоён бўлиши, яъни ороговевший ўчоқларнинг атрофдаги тўқималар сатҳидан кўтарилиб туриши ва оқ рангда бўлиши билан характерланади. Веррукоз лейкоплакиянинг бляшкали ва сўгалсимон кўринишлари фарқланди. Кўп ҳолларда патологик жараён тилнинг ён юзаси, оғиз бурчаклари, камрок ҳолларда эса оғиз бўшлиғининг туб қисмида жойлашган.

Гистологик ва иммуногистохимик тадқиқот натижаларини баҳолашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ВОЗ) 2005 йилги классификацияси асос қилиб олинди. Ушбу классификацияга мувофиқ, лейкоплакияда эпителийда кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришлар қуйидаги тўрт турга ажратилади:

1. Атипиясиз лейкоплакия (ясси хужайрали гиперплазия)
2. ясси хужайрали интраэпителиал неоплазия I даража (SIN I)

3. ясси хужайрали интраэпителиал неоплазия II даража (SIN II)
4. ясси хужайрали интраэпителиал неоплазия III даража (SIN III)

Бизнинг тадқиқотимизда беморларнинг асосий қисмида атипиясиз лейкоплакия ва SIN I даражаси устунлик қилди. Бу ҳолатлар кўпроқ клиник жиҳатдан текис ва эрта веррукоз шаклларга мос келди. SIN II даражаси ўртача частотада кузатилиб, асосан веррукоз шаклнинг узок давом этган ҳолларида аниқланди. SIN III даражаси эса кам сонли беморларда учраб, юқори хавфли пренеопластик ўзгаришлар сифатида баҳоланди.

Иммуногистохимик тадқиқот натижалари (p16 ва Ki-67 экспрессияси) гистологик ўзгаришлар даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниб, эпителийнинг пролифератив фаоллиги ва хужайра циклининг бузилиш даражасини аниқлаш имконини берди.

SIN 1 ҳолатларида эпителийнинг пастки учдан бир қисмида цитологик жиҳатдан енгил ўзгарган хужайралар аниқланди. Бу хужайраларда ядро ҳажмининг бир оз катталашини, хроматин зичлигининг ошиши кузатилган бўлса-да, ўзгаришлар чекланган характерга эга эди.

SIN 2 даражали интраэпителиал неоплазияда атипик хужайралар эпителийнинг пастки ва ўрта қатламларини қамраб олди. Бу ҳолатларда ядроларнинг шакли ўзгарган, ядрошиқлар аниқ ифодаланган, митотик фигуралар сони ошганлиги қайд этилди.

SIN 3 ҳолатларида эса эпителий қатламининг 2/3 қисмидан кўпроғи атипик хужайралар билан эгалланган бўлиб, уларда ядроларнинг кучли полиморфизми, юқори митотик фаоллик ва аниқ атипик митозлар кузатилди. Бу ҳолатлар оғир дисплазия ёки карцинома in situ сифатида баҳоланди.

Эпителий хужайраларининг пролифератив фаоллигини баҳолаш мақсадида Ki-67 маркери қўлланилди. Ki-67 фақат хужайра циклининг фаол фазаларида ифодаланадиган маркер бўлиб, унинг экспрессияси эпителийнинг биологик фаоллигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотда пролифератив фаоллик индекси (ПФИ, Ki-67 индекси) ҳисоблаб чиқилди. У Ki-67 мусбат бўялган ядролар сонининг умумий хужайра ядролари сонига нисбати сифатида фоизларда ифодаланди. Атипиясиз лейкоплакия ҳолатларида Ki-67 экспрессияси асосан эпителийнинг базал қатлами билан чекланган бўлса, SIN 1–2 ҳолатларида мусбат ядролар сони ортиб, ўрта қатламларгача тарқалганлиги кузатилди. SIN 3 ҳолатларида эса Ki-67 мусбат хужайралар эпителийнинг катта қисмини эгаллаган бўлиб, юқори пролифератив фаолликни кўрсатди.

**Жадвал. Ki-67 бўйича эпителий қатламларида пролиферация индекси**

Гуруҳ	n	Ki-67 базал қатлам (%)	Ki-67 парабазал қатлам (%)	Ki-67 тиконли қатлам (%)
Нормал эпителий	10	90,4 ± 4,1	0	0
Лейкоплакия (атипиясиз)	32	56,8 ± 30,5	34,2 ± 22,7	0,6 ± 2,1
Лейкоплакия (SIN)	18	44,7 ± 28,9	36,5 ± 20,3	15,9 ± 13,4

Шундай қилиб, пролифератив фаолликнинг энг юқори кўрсаткичлари оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ясси хужайрали ракида аниқланди. Хусусан, ўсма тўқимасининг периферик соҳаларида Ki-67 экспрессияси ўртача 62,1 ± 24,7 % ни ташкил этган бўлса, марказий қисмида бу кўрсаткич 41,2 ± 29,8 % даражасида қайд этилди. Бу ҳолат ўсманнинг периферик зоналарида хужайралар пролиферациясининг нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

Иммуногистохимик тадқиқот натижалари p16INK4a оксили экспрессиясининг лейкоплакиянинг турли морфологик шаклларида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини намоён этди. Жумладан, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг гиперплазия ва гиперкератоз билан кечувчи лейкоплакиясида p16INK4a экспрессияси кўпқаватли ясси эпителийнинг барча ўрганилган зоналари ядроларида 25 та ҳолатда (≈74 %) 34 та кузатувдан аниқланди. SIN белгилар билан кечувчи лейкоплакия гуруҳида эса p16INK4a оксилнинг ядрога хос


экспрессияси 11 та ҳолатда ( $\approx 73\%$ ) 15 та кузатувдан қайд этилди. Бу ҳолат эпителийда диспластик ўзгаришлар чуқурлашиши билан боғлиқ равишда хужайра циклининг регуляциясида иштирок этувчи мазкур маркер фаоллигининг ошишини кўрсатади.

Ясси хужайрали рақ ҳолатларида эса p16INK4a оксиленинг юқори даражадаги ядрога ҳос экспрессияси ўсманинг ҳам периферик, ҳам марказий хужайравий зоналарида 17 та ҳолатда ( $\approx 85\%$ ) 20 та кузатувдан аниқланди.

Умуман олганда, олинган натижалар диспластик ўзгаришлар даражаси ортиши билан p16INK4a экспрессиясига эга бўлган ҳолатлар сонининг изчил ортиб боришини кўрсатади. Бу эса ушбу маркернинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги рақ олди ҳолатлари ва малигнизация хавфини баҳолашда муҳим прогностик аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.


Текширилган биопсия материалида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига ҳос кўп қаватли ясси эпителий соҳалари аниқланади. Эпителийда **гиперкератоз ва паракератоз элементлари**, эпителиал қатлам қалинлашуви кузатилади. Базал ва супрабазал қатламларда хужайралар тартибининг нисбий сақланганлиги қайд этилади, яққол атипия белгилари аниқланмайди.

Эпителий остидаги бириктирувчи тўқимада **лимфо-гистиоцитар инфильтрация** кузатилади, стромада толали элементлар устунлик қилади. Некроз ва инвазив ўсиш белгилари аниқланмади (1-расм).



**1-Расм.** Оғиз бўшлиғи лейкоплакияси. p16 иммуногистохимёвий бўёқ. Эпителиал хужайраларда фокал ва кучсиз экспрессия, диффуз гиперэкспрессия аниқланмайди.  $\times 200$ .

Эпителий хужайраларида диффуз ёки блок-позитив ядровий-цитоплазматик рангланиш аниқланмади. p16 экспрессияси фақат айрим хужайраларда заиф ва фокал характерда намоён бўлиб, бу ҳолат гиперэкспрессия учун ҳос эмас. Олинган морфологик ва иммуногистохимёвий маълумотлар лейкоплакиянинг реактив-пролифератив шаклига мос келади. p16 экспрессиясининг паст даражада ва фокал намоён бўлиши HPV-ассоцияланган дисплазия ёки малигнизация эҳтимолини қўллаб-қувватламайди. Аниқланган ўзгаришлар эпителийнинг сурункали таъсирлар фонида ривожланган регенератив ва дисрегенератив жараёнлари билан изоҳланади.



**2- Расм.** Оғиз бўшлиғи шиллик қавати кўпқаватли ясси эпителийсида p16INK4a белогининг иммуногистохимик экспрессияси. Эпителий хужайралари ядроларида қўнғир рангли мусбат реакция кузатилади, бу диспластик ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда p16 экспрессиясининг ошганини кўрсатади. ИГХ, ×200.

Лейкоплакиянинг атипиясиз шаклида p16 экспрессияси эпителийнинг турли қатламларида 70–75% ҳолатларда ядровий характерда кузатилди. Бу ҳолат вирусли таъсир эҳтимолини ва хужайра циклининг бузилишини кўрсатади, аммо тўлиқ малигнизацияга ҳос бўлган “block-positive” типдаги экспрессия қайд этилмади.

SIN билан кечувчи лейкоплакия ҳолатларида p16 экспрессияси ҳолатлар сони янада ортиб, ядровий бўёқланиш эпителийнинг кенг қатламларини қамраб олди. Бу ҳолат диспластик жараённинг илгариланиши акс эттиради.

Даво чора-тадбирлари. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати лейкоплакияси билан оғриган беморларни даволаш комплекс, индивидуал ва морфологик ҳамда иммуногистокимёвий кўрсаткичларга асосланган ёндашувни талаб қилади. Даво тактикаси лейкоплакиянинг клиник шакли, дисплазия даражаси (ВОЗ, 2005), p16INK4a ва Ki-67 экспрессияси ҳолати, шунингдек, малигнизация хавфига қараб белгиланди. Атипиясиз лейкоплакия ва паст пролифератив фаоллик (Ki-67 асосан базал қатлам билан чекланган, p16 экспрессияси фокал ва заиф) кузатилган ҳолатларда **консерватив даво усуллари** қўлланилди. Бунда асосий мақсад эпителийдаги сурункали кўзгатувчи омилларни бартараф этиш ва регенератив жараёнларни барқарорлаштиришдан иборат бўлди.

Консерватив даво қуйидагиларни ўз ичига олди:

- оғиз бўшлиғи санитарияси ва травматик омилларни (ўткир тиш қирралари, номувофик протезлар) бартараф этиш;
- тамаки чекиш ва алкоголь истеъмолини чеклаш ёки тўлиқ бекор қилиш;
- яллиғланишга қарши маҳаллий воситалар (антисептик эритмалар, кератоластик препаратлар);
- витамин терапияси (А, Е, С витаминлари);
- умумий иммун ҳолатни яхшилашга қаратилган чоралар.

Бундай беморлар **динамик кузатув** остига олинди ва ҳар 6–12 ойда клиник ҳамда морфологик назорат тавсия этилди.

SIN I–II даражали лейкоплакия ҳолатларида даво

Эпителийда диспластик ўзгаришлар (SIN I–II), Ki-67 экспрессиясининг эпителийнинг ўрта қатламларигача тарқалиши ва p16INK4a экспрессиясининг нисбатан юқори даражада намоён бўлиши аниқланган ҳолатларда **фаолроқ терапевтик тактика** қўлланилди.

Бу гуруҳ беморларида:

- консерватив даво усуллари билан бир қаторда,
- патологик ўчоқларни **жарроҳлик усулида олиб ташлаш** (эксцизия),
- лазер абляция ёки радиотўлқинли усуллардан фойдаланиш тавсия этилди.

Бундай беморларда малигнизация хавфи юқори бўлганлиги сабабли, **морфологик назорат** ва ИГХ текширувларини қайта ўтказиш муҳим деб ҳисобланди.

SIN III ва юқори хавфли ҳолатларда даво

Оғир дисплазия (SIN III), юқори Ki-67 индекси ва p16INK4a оқсилнинг диффуз ёки интенсив ядровий экспрессияси кузатилган ҳолатлар **юқори хавфли пренеопластик жараёнлар** сифатида баҳоланди.

Ушбу ҳолатларда:

- патологик ўчоқларни **кенг ҳажмда радикал олиб ташлаш**;
- материални мажбурий равишда гистологик текшириш;
- беморларни онколог мутахассислар билан ҳамкорликда кузатиш;
- қисқа муддатли динамик назорат (3–6 ойда бир марта) тавсия этилди.

**Хулоса.** Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг лейкоплакияси клиник ва морфологик жиҳатдан хилма-хил кечиши, шунингдек, унинг айрим шаклларида малигнизация хавфининг мавжудлиги билан аҳамиятли тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Мазкур услубий тавсиянома доирасида ўтказилган клиник, гистологик ва иммуногистохимик тадқиқотлар натижалари лейкоплакиянинг биологик фаоллиги ва хавф даражасини аниқлашда комплекс ёндашувнинг устунлигини кўрсатди. Тадқиқот натижалари оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг лейкоплакиясида клиник шакллар, гистологик дисплазия даражаси ҳамда иммуногистохимик маркерлар (p16INK4a ва Ki-67) экспрессияси ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади. Хусусан, диспластик ўзгаришлар чуқурлашиши билан эпителий хужайраларининг пролифератив фаоллиги ошиши, Ki-67 экспрессиясининг эпителийнинг юқори қатламларигача тарқалиши ҳамда p16INK4a мусбат ҳолатлар сонининг изчил ортиб бориши аниқланди.

Атипиясиз лейкоплакия ҳолатларида p16INK4a экспрессиясининг фокал ва паст даражада намоён бўлиши ҳамда Ki-67 мусбат хужайраларнинг асосан базал қатлам билан чекланганлиги мазкур шаклнинг нисбатан паст биологик фаоллигини кўрсатади. Шу билан бирга, SIN II–III даражали лейкоплакия ва ясси хужайрали рақ ҳолатларида мазкур маркерларнинг юқори даражада экспрессия қилиниши малигнизация хавфининг ошганлигини англатади.

Шу тариқа, лейкоплакияни баҳолашда p16INK4a ва Ki-67 маркерларини қўллаш клиник амалиётга жорий этиш учун мақсадга мувофиқ бўлиб, улар эпителийдаги пролифератив ва диспластик ўзгаришларни объектив баҳолашга хизмат қилади. Тақдим этилган услубий тавсиялар стоматологлар, онкологлар ва патоморфологлар учун амалий аҳамиятга эга бўлиб, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга қаратилган.

## REFERENCES| ЧОҚКИ | IQTIBOSLAR:

1. Jeong W.J., Paik J.H., Cho S.W., Sung M.W., Kim K.H., Ahn S.H. Excisional biopsy for the treatment of leukoplakia of the lateral tongue. *Journal of Oral Pathology & Medicine*. 2011;41(5):384.
2. Li K.K., Almazroua S., Carvo I., Salchines A., Woo S.B. Architectural changes in oral epithelial dysplasia are similar in unifocal and proliferative leukoplakia. *Journal of Head and Neck Pathology*. 2020;15(2):443.

3. Mello F.W., Miguel A.F.P., Dutra K.L., Porporatti A.L., Warnakulasuriya S., Guerra E.N.S., Rivero E.R.C. Prevalence of oral potentially malignant disorders: a systematic review and meta-analysis. *Journal of Oral Pathology & Medicine*. 2018;47:633–640.
4. Warnakulasuriya S. Clinical features and presentation of oral potentially malignant disorders. *Oral Surgery, Oral Medicine, Oral Pathology and Oral Radiology*. 2018;125:582–590.
5. Warnakulasuriya S., Kujan O., Aguirre-Urizar J.M., Bagan J.V., González-Moles M.Á., Kerr A.R., Lodi G., Mello F.W., Monteiro L., Ogden G.R., et al. Potentially malignant disorders of the oral cavity: consensus report from an international seminar on nomenclature and classification convened by the WHO Collaborating Centre for Oral Cancer. *Journal of Oral Diseases*. 2021;27:1862–1880.
6. Warnakulasuriya S., Johnson N.W., van der Waal I. Nomenclature and classification of potentially malignant disorders of the oral mucosa. *Journal of Oral Pathology & Medicine*. 2007;36:575–580.
7. Warnakulasuriya S., Ariyawardana A. Malignant transformation of oral leukoplakia: a systematic review of observational studies. *Journal of Oral Pathology & Medicine*. 2015;45(3):155–166.
8. Wils L.J., Poell J.B., Evren I., Koopman M.S., Brouns E.R.E.A., de Visscher J.G.A.M., et al. Incorporation of differentiated dysplasia improves prognostic evaluation of oral leukoplakia at increased risk of malignant progression. *Modern Pathology*. 2020;33(6).
9. Zhang C., Li B., Zeng X., Hu X., Hua H. Global prevalence of oral leukoplakia: a systematic review and meta-analysis from 1996 to 2022. *BMC Oral Health*. 2023;23:645.
10. Alimdjanovich RJ, Khairullaeva ON, Normuratovich NA CORRECTION OF PSYCHOLOGICAL STRESS IN CHILDREN WITH NON-PHARMACOLOGICAL METHODS OF DENTAL ADMISSION //Archive of Conferences. – 2021. – S. 108-114.
11. Rizaev JA, Maeda H., Khranova NV Plastic surgery for the defects in the maxillofacial region after surgical resection of benign tumors //Annals of Cancer Research and Therapy. – 2019. – T. 27. – no. 1. – pp. 22-23.
12. Rizaev , Zh. A. The role of the oral immune system when patients are infected with the SARS-COV-2 coronavirus / Zh. A. Rizaev , E. A. Rizaev , A. S. Kubaev // Health, demography, ecology of the Finno-Ugric peoples. – 2020. – No. 3. – P. 67-69. – EDN GBYVTK.
13. Isakulov Sh . R. , Rizaev AND . A. K raniofacial heathatlarda tibby yordamni tashkilashtirishni takimillashtirish va davolash usullarini yaxshilashga zamonaviy Jondaszow // Journal of Biomedicine and Practice. – 2022. – T. 7. – No. 1.
14. J. A. Rizaev ., A. A. Shodmonov . EditorJournals and Conferences . (2022, October 2). DENTAL IMPLANTATION USING COMPUTER SOFTWARE FOR ACCURATE PLACEMENT AND LONG-TERM PROSTHETIC RESULTS. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/DKC6W> 19 .
15. J. A. Rizaev , & A. A. Shodmonov . (2022). OPTIMIZATION OF THE SURGICAL STAGE OF DENTAL IMPLANTATION BASED ON COMPUTER MODELING. *World Bulletin of Public Health*, 15, 11-13
16. Rizaev JA, Shodmonov AA Optimizing the Surgical Phase of Dental Implants Optimization of the Surgical Phase of Dental Implantation Based on Computer Modeling //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – T. 12. – S. 84-87.
17. Polatova Djamila , Madaminov Ahmad, Raximov Nodir . Significance of expression PD-L1 and p53 proteins in human papillomavirus-associated oropharyngeal squamous cell carcinoma// Journal of Biomedicine and Practice. 2022, vol . 7, issue 4, pp . 144-151
18. Abdurakhmonov F. R., Rakhimov N. M., Abdurakhmonova F. F. Special choices for the treatment of complications of the soft tissue injuries of the facial region //The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. – 2023. – T. 5. – №. 10. – C. 24-26.

# БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

### JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000